

13. Bramwell, B. *Coastal Mass Tourism: Diversification and Sustainable Development in Southern Europe* / B. Bramwell. – Clevedon: Channel View Publications, 2004. – 357 p.
14. Bramwell B. *Coastal Mass Tourism: Diversification and Sustainable Development in Southern Europe* / B. Bramwell. – Clevedon: Channel View Publications, 2004. – 357 p.
15. Hernandez-Calzada M.A. *Diversification in Tourism-Related Activities and Social Sustainability in the State of Hidalgo, Mexico* / M. A. Hernández-Calzada, C. C. Pérez-Hernandez; F. J. Ferreiro-Seoane // *Sustainability*. – 2019. – Vol. 11(22). – P. 1-17
16. Финансы: учебник / под ред. У.В. Маркиной. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 432 с
17. Восколович, Н.А. Маркетинг туристских услуг: учеб. / Н.А. Восколович. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2013. – 207 с.
18. Березин, И. Маркетинговый анализ. Рынок. Фирма. Товар. Продвижение. / И. Березин – М.: Изд-во Вершина, 2014. – 480с
19. Квартальнов В.А. Туризм: учебник / В.А. Квартальнов. – 2-е изд., перераб. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 336 с.
20. Росситер Дж.Р., Перси Л. Реклама и продвижение товаров: перс англ. / Под ред. Л.А.Волковой – СПб.: «Издательство «Питер», 2014. – 656с.
21. Худякова Т.А., Менеджмент. Государственная итоговая аттестация: учеб пособие / Т.А. Худякова Н.Ю. Варкова К.С. Айхель. – Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, – 2015. – 53 с
22. Самсонов Н.Ф. Финансовый менеджмент [Текст]: учебник для вузов / Н.Ф. Самсонов. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 2015. – 495 с.
23. Oripov A.A. *Iqtisodiyotdagи raqamli o'zgarishlar sharoitida xizmatlar sohasini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mechanizmlarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiysi*. Toshkent: 2021.-147-b.
24. Sayfutdinov Sh.S. *O'zbekistonda turizm sohasini barqaror rivojlantirish strategiyasi. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya*. - Toshkent.: 2022.
25. O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida"gi Qonuni". Toshkent sh., 2019-yil 18-iyul, O'RQ-549-son. (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.07.2019y., 03/19/549/3446-son).
26. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science", Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. <http://T-Science.org>
27. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. – P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
28. Mirzaev A.T. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управляемской деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Қодиров Азизжон Анварович -

**Бухоро давлат университети, Бухгалтерия ҳисоби
ва статистика кафедраси доценти, и.ф.ф.д.**

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a55

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон миллий экотуризм салоҳиятидан фойдаланишинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, уни ривожлантиришга қаратилган иммий тақиғ ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, экотуристик объекты, экотуристик хизматлар, табиий туризмик хизмат, турист, экотурист.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПОТЕНЦИАЛА ЭКОТУРИЗМА УЗБЕКИСТАНА

Қадиров Азизжон Анварович -

**Бухарской государственный университет,
доцент кафедры Бухгалтерский учёт и статистики, д.ф.н.**

Аннотация. В статье анализируется современное состояние использования национального экотуристического потенциала Узбекистана, разрабатываются научные предложения и практические рекомендации по его развитию.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, объекты экотуризма, услуги экотуризма, услуги природного туризма, турист, экотурист.

INSTITUTIONAL FRAMEWORK FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTOURISM IN UZBEKISTAN

Kadirov Azizjon Anvarovich -

Bukhara State University PhD (in economics), dotsent

Abstract. The article analyzes the current state of using the national ecotourism potential of Uzbekistan, develops scientific proposals and practical recommendations for its development.

Key words: tourism, ecotourism, ecotourism objects, ecotourism services, nature tourism services, tourist, ecotourist.

Кириш. Экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳаси атроф-муҳит, табиий-экологик бойликлар, мамлакатнинг маданий-маънавий ривожланиш тарихи, урф-одатлари, ундаги ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ бўлганлиги сабабли халқаро туризм индустряси таркибида бошқа туристик хизматларга нисбатан ажralиб турди. Жумладан, халқаро туристик оқим ҳажмининг мамлакатлараро туристик саёҳатларни амалга ошириш бўйича маълумотлари таҳлилига кўра, экотуристлар асосан ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга бораётган бўлсалар, бошқа турдаги туристик хизматларнинг географияси аксинча, яъни ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга бўлаётганлигини кузатиш мумкин бўлади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда туристик хизматлар бозорида етакчи ўринни эгаллаган АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия, Италия, Германия, Нидерландия каби ривожланган мамлакатларда ҳам экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга устуворлик қаратилмоқда. Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ ва шаҳар жойларининг ўртасидаги тафовутлар деярли бир-бирига яқинлашиб қолганлиги сабабли, экотуристлар учун табиий шарт-шароитларни тўлиқ хис қилиш имконияти чекланиб қолаётганлиги аниқланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хар қандай илмий изланишнинг энг муҳим этапларидан бири - изланиш обьекти моҳиятининг онтологик хусусиятларини ва тарихий-диалектик талқинини очишидир. Экологик туризм борасида илмий изланишларнинг назарий-методик асосларини аниқлашда хорижлик ва махаллий олимлар инсон фаолиятининг айнан қайси турларини туризм соҳасига киритиш мумкинлигидан келиб чиқадилар. Улар томонидан экологик туризмнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларида мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Немис олими Э.Геккел 1866 йилда ёзган «Организмларнинг умумий морфологияси» ва 1868 йилда ёзган «Дунё вужудга келишининг табиий тарихи» каби асарларида экология атамасига тўлиқ тавсиф бериб экологиянинг иккинчи маъносини «яашаш жойи», «озиқланиш макони» деб белгилаган. Шунинг учун ҳам, табиатни ҳар бир инсон ўз уйим деб билганда-гина глобал экологик инқизорзларнинг олдини олиши мумкин. Экологик туризм бу йўналишда инсониятга катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, дастлаб экотуризмнинг моҳиятини ва мазмунини яхши тушуниб ва ўрганиб олишимиз лозим деб ҳисоблайди[1].

Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Э.В.Клименко-лар эса 1997 йилда Россияда биринчилардан

бўлиб «Экотуризмнинг асоси – атрофмуҳит ғамхўрлиги ва муҳофазасидир» деган таклифни киритди ва экотуризмнинг ўзлари белгилаган таърифга асосланган экотуристик маршрутларни ишлаб чиқди[2].

М.Б.Биржаков тушунтиришича экотуризмда табиатга минимум таъсир қилиб, табиат билан бирга бўлиш натижасида унинг бойликларини муҳофаза қилиш, асраб қолиш туйгулари ҳосил бўлади[3].

А.В.Дроздов эса эски ва янги дунёда деярли бир вақтда маҳаллий аҳолининг анъанавий маданиятини хурмат қилишга, саёҳатчиларнинг маърифий маданиятини оширувчи, табиат олдида масъуллик ва ҳимоя қилишга, ижтимоий ва экологик талабларини қондиришга қаратилган ва сайёравий экологик инқизорзнинг олдини олишга асосланган экотуризм шаклланди деб изоҳлайди[4].

T.S.Sergeyeva олиб борган изланишлари натижасида “Экотуризм бу – маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзини сақлаган, хўжалик фаолияти кам таъсир қилган бетакрор табиий ҳудудларни кўриш; бу – маҳаллий аҳолининг яашаш даражаларини ва туристик жараёндаги барча қатнашувчиларнинг экологик маданияти даражаларини ошириш, экологик тур ва дастурларда табиат муҳофазаси меъёлари ва технологияларига риоя қилишдир” деган холосага келади[5].

И.Зорин ва В.Кварталнов ўзаро боғланган “экотизим”, “экология”, “экологик сайёҳат этикаси” каби тушунчалар системасини таклиф қилишади. Айниқса, охирги тушунча аҳамиятга молик. Уни жонли табиатга, борилаётган ландшафтларга, у эрда яшовчи кишиларга нисбатан хурмат кодекси, деб шарҳланади[6].

О.Х.Ҳамидов ва А.Н.Норчаевлар эса экологик туризм тушунчасини турлича таърифлашларни таҳлил қилиб уни умумлаштириш шуни кўрсатадики, унинг куйидаги белгиларини фарқлаш лозим:

- ёввойи табиатдан туристлар ташриф буюрадиган муҳит сифатида билвосита фойдаланиш;
- атрофмуҳитга минимал зарап этказиш;
- одамга рекрасион ва ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- янги ландшафтлар билан танишиш, муҳофаза қилиш учун флора ва фауна намуналарини ўрганиш;
- туризмдан тушган маблағлардан дунёдаги барча ҳудудлар флора ва фаунасини асраш ва тиклаш учун фойдаланиш;
- барча туристлар ва хизмат кўрсатувчи шахсларнинг жонли табиатга ва маҳаллий аҳолига хурмат кодексига риоя қилишлари ва бошқалар.

"Экологик туризм" тушунчасини умумлаштириш қуйидаги хуносаларга асos бўла олади: Туризмни ташкил қилишнинг юқорида кўрсатилган алломатларида шаклланган тамойиллар локал эмас, балки глобал характерга эга. Шунинг учун бу тамойиллар жаҳоннинг айrim қисмлари ёки эр, сув ва ҳаво бўшлиғининг айrim қисмларида эмас, балки бутун дунёдаги туристик фаолият соҳасига тааллуқли бўлиши лозим деб ҳосблашади [7].

Р.Хайтбоев фикрича экотуризм-фақат табиат бағрида дам олиш, ўрганиш, кузатиш, томоша қилиш ва завқланиш натижасида табиатни, биологик хилмажилликни сақлаш, муҳофаза қилиш тадбирларига ихтиёрий моддий ёрдам беришга қаратилган, маҳаллий аҳолининг миллий маданиятини, меъросий анъаналарини, яшаш тарзини хурмат қилишга асосланган туристик фаолиятдан иборатdir[8].

Тадқиқот методологияси. Экотуристик салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати таҳлилил қилишда илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳалқаро экотуристик хизматлар бозорида ўзининг ноёб экотуристик ресурсларга эгалиги, жумладан, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича бой ва тўлиқ фойдаланилмаётган салоҳиятга эгалиги бўйича жаҳонда 10-15 ўринни эгалласа, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Жумладан, мамлакатимиз худудида тўрт мингдан ортиқ тарихий, ноёб архитектура ва табиий ёдгорликлар мавжудлиги аниқланган. Шу билан биргалика, мамлакатимиз табиатининг мафтункорлиги, тоғ тизмалари, йирик сув ҳавзалари, бой флора-фауна дунёси ва арид ландшафтларига эга эканлиги билан ажralиб туради. Бу эса мамлакатимизнинг экотуристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга устуворлик қаратиш жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш заруриятини оширади. Пандемиядан кейинги даврда ҳалқаро туристик оқим ҳажмида табиатининг сўлим гўшалари, жумладан тоғ ёнбағирлари, сув бўйлари, табиат бўйлаб саёҳат қилиш ва шаҳар ҳаётидан ўзгача бўлган табиий қишлоқ ҳаётини яшаш истагида туристик саёҳатга чикувчилар сонининг ортганигини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш орқали уни сердаромад соҳага айлантириш мумкинлигини англатади.

Республикамиздаги 9 та қўриқхона, 2 та миллий боғ, 9 та давлат буюртмалари, «Жай-

рон» экомаркази, ноёб табиат ёдгорликлари жуда катта экотуристик потенциалга эга. Ўзбекистон иқлими, об ҳавоси йил давомида дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун қулайлиги билан ажralиб туради. Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ўзларининг тоғ ландшафтлари, ғорлари, тоғ сойлари ва шаршаралари, булоқлари, кўллари, музликлари билан экотуризм марказларига айланишлари мумкин. Ўртacha баландлиқдаги ва баланд тоғларимизда ёзда ҳароратнинг водийларга нисбатан 5-10 (ҳарорат) паст бўлиши, қишининг жуда ҳам совук эмаслиги, қалин қор қопламини вужудга келиши бу худудларимиздан йил давомида экотуризм мақсадларида фойдаланиш имкониятини беради.

Экотуризмни ривожлантиришни қўллаб-куvvatлаш борасида фаолият олиб борувчи ҳалқаро ташкилотлар томонидан Марказий Осиё мамлакатларида экотуризмни инвестициялаш борасида турли дастурлари амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Қозигистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда жами 11 та «туристик қишлоқ»ларни ривожлантириш бўйича инвестицион дастурлар амалга оширилмоқда. Ушбу инвестицион дастурларнинг учтаси Ўзбекистон худудига тўғри келиб улар Тошкент вилоятининг Бурчмулла, Чимён ва Хумсон қишлоқлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Имом ота, Гараша, Лангар, Ширмонбулоқ, Ўриклисой, Оқсув, Пишоғор, Синтоб, Нанай, Қайнар, Фова, Айдаркўл, Мачай, Чодак, Омонқўтон, Аҳси, Сижжак, Сўқоқ, Кумушкон, Шохимардон, Водил каби қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам «туристик қишлоқ» ва «туристик маҳалла» дастурлари доирасида экотуристик хизматлар кўрсатиш амалиётини ривожлантириш салоҳияти юқори ҳисобланади.

Масалан, Чимён қишлоғи уни ўраб турган тоғлари билан саргузашт туризм ишқибозлари ни ўзига жалб қиласди. Кичик районнинг Тошкент шаҳрига яқинлиги, унда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноат корхоналарининг йўқлиги, иқлимининг йилнинг ҳамма фаслларида ҳам қулайлиги (юмшоқлиги), умуман табиатининг мафтункорлиги, хилма-хиллиги, табиий ресурсларга бойлиги, аҳолисининг, маданияти ва урф-одатлари бу зонада экотуризмни ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради. Чимён-Белдирсой бошқа кичик районлардан спорт-туристик инфраструктурасини яхши йўлга қўйилганлиги билан ажralиб туради. Шунинг учун унда туристларнинг сони ёз мавсумида, ҳафтанинг иш кунларида ҳар куни 3000 тага, якшанбада эса 10000 тагача, қишида эса дам олиш кунлари 5000 тагача етади. Агар бу кичик районда туристлар учун барча имкониятлар


яратилса, унга ташриф буюрувчилар сони йил давомида 350 минг тагача етиши мумкин[9].

Жумладан “Чорвоқ” эркин туристик зонасининг 892 гектар ер майдонида амалга оширилаётган, умумий лойиха қиймати 100 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган биринчи йирик “Амирсой” тоғ курорти лойихасининг I босқичи 2019 йилнинг 21 декабрь куни якунланиб, фойдаланишга топширилди. Қишида дам олувчилар чанғи ва сноубордларда учиш, ёзда эса пляждә ҳордиқ чиқариш, велосипедларда сайр қилиш ва дам олишнинг экстремал турлари билан шуғулланишлари мумкин. Лойиха тоғ-chanғи мажмуаларининг бизнес бошқаруви соҳасида катта тажрибага эга бўлган PGI Management компанияси томонидан амалга оширилди. Тоғ-chanғи курорти 580 кишига мўлжалланган бўлиб, 900 гектар ерда жойлашган. Дам олиш масканида соатига 2400 кишини ташиб оладиган иккита канат йўли мавжуд. Узунлиги 15 км.дан ортиқ бўлган саккизта чанғи трассалари мавжуд бўлиб, энг узун йўналишнинг узунлиги 3350 м. Сунъий қорли йўллар туфайли чанғи мавсуми ноябрдан апрелгача давом этиши мумкин. Тоғ-chanғи курортининг ўзига хослиги шундаки, атроф ҳар қандай даражадаги чанғичилар ва сноубордчилар учун мўлжалланган. Эндиғина учишни бошлиётганлар учун бешта конвеер типидаги кўтарилиш лифтлари бўлган зона мавжуд.

Меҳмонлар учун жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялари Doppelmaer ва SunKid томонидан замонавий ва хавфсиз кўтарилиш ускуналари ўрнатилган. Қиши мавсумида чанғи патрули хизмати ташкил этилган бўлиб, уларнинг вазифаси кун давомида қояларда навбатда туриш ва керак бўлганда жароҳатланганларга ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, дам олувчилар учун Шале услугидаги 40 та ёғоч уй-

лардан иборат Le Chalet by Amirsoy меҳмонхонаси қуриб битказилган. Қулай ва барча шароитларга эга шалелар икки хил категорияга бўлинган. Deluxe ва Chalet Suites шалелари дениз сатҳидан 1630 метр баландликда жойлашган бўлиб, энг яқин кўтарилиш мосламасидан 2 дақиқалик узоқликда жойлашган. Лойиханинг I босқичини амалга оширишда жами 77,5 млн. АҚШ доллари, шундан 52,8 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция миқдорида маблағлар ўзлаштирилди. 2020 йилда лойиха тўлиқ амалга оширилиб, 200 та янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзланган. Бундан ташқари “Амирсой” МЧЖ ҚҚ томонидан яна янги 150 млн. евро қийматдаги “Вест Амирсой” тоғ курорти лойихасининг ҳужжатларини тайёрлаш ва 750 гектар ер майдонини танлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан вилоятларнинг туристик хизматлар кўрсатиш соҳаси, жумладан, экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида республика худудлари кесимида туристик хизматлар кўрсатиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётган жами 118 та экотуризмни ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган худудларни инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва потенциал инвесторларга бириктириб берилди[10]. Ушбу ҳолат республикада экотуризмни ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган худудлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.



1-расм. Ўзбекистон вилоятлари кесимида экотуризмни ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган худудлар сони, бирликда[11]

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудлар сони Жиззах (43 та) ва Бухоро (17 та) вилоятларида республиканинг бошқа вилоят-

ларига нисбатан кўплиги билан характерланса, Қорақолпоғистон Республикаси (2 та), Қашқадарё (3 та) ва Сурхондарё (3 та) вилоятларида эса аксинча, бу турдаги ҳудудлар сони кам ҳисобланади (1-расмга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг туристик мақсадлари бўйича таркиби[12]

Туристик мақсад кўрсаткичлари	Йиллар						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жами туристлари сони	минг кишида	1917,7	2027,0	2690,0	5346,3	6748,5	1504,1
	фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан,							
Кариндошларни йўқлаш	минг кишида	1555,7	1651,2	2272,4	4713,5	5520,7	1321,4
	фоизда	81,1	81,5	84,5	88,2	81,8	87,9
Бўш вақт ва дам олиш	минг кишида	166,8	175,5	203,7	458,1	1043,9	129,3
	фоизда	8,7	8,7	7,6	8,6	15,5	8,6
Хизмат юзасидан	минг кишида	113,7	149,7	159,9	56,6	53,1	17,4
	фоизда	5,9	7,4	5,9	1,1	0,8	1,2
Даволаниш	минг кишида	55,7	27,1	28,7	52,5	55,6	15,0
	фоизда	2,9	1,3	1,1	1,0	0,8	1,0
Тижкорат мақсадида	минг кишида	15,4	17,2	18,5	50,9	53,8	16,3
	фоизда	0,8	0,8	0,7	1,0	0,8	1,1
Ўқиш	минг кишида	10,3	6,2	6,9	14,6	21,4	4,7
	фоизда	0,5	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фақатгина Бухоро вилоятидаги жами 17 та экотуристик хизматлар кўрсатиш салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг 15 тасида йўл инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси ўрта даражада бўлса, қолган ҳудудлар ва республиканинг бошқа вилоятларидағи экотуризмни ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардаги йўлларнинг ҳолати қониқарли ва ундан паст даражада ривожланган. Ушбу ҳолат экотуристлар учун саёҳат қилишда муаммоларни вужудга келишига олиб келиши мумкин бўлади.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристларнинг 80-90 фоизи яқин қариндошларини йўқлаш мақсадида келганлигини инобатга олган ҳолда (1-жадвалга қаранг), зиёрат туристик хизматларини экотуристик хизматлар билан интеграциялаш орқали ушбу соҳани янада ривожлантириш мумкин бўлади. Бунда қариндошларини йўқлаш мақсадида келган туристлар учун табиат қўйнида мароқли ҳордиқ чиқариши учун вилоятларда экотуристик обьектлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизнинг экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ҳолатини аниқлаш мақсадида «SWOT» таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда Ўзбекистоннинг экотуризмни ривожлантириш бўйича кучли ва заиф томонларини қиёсий таққослаш асосида ушбу соҳани ривожланиш имко-

ниятлари билан биргалиқда, мавжуд муаммоларини аниқлашга эришилади. Бу эса экотуризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Амалга оширилган «SWOT» таҳлил натижалари 3-жадвалда келтириб ўтилди.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз экотуризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳани барқарор ривожланишига эришишда қуйидаги имкониятларга эга ҳисобланади:

- шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги тафовутларнинг юқорилиги. Жумладан, шаҳар билан қишлоқ жойларида яшаш ва овқатланиб билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатаан 2-2,5 мартаға фарқ қиласи. Яъни, қишлоқ жойларда бу турдаги харажатлар сезиларли даражада арzon;

- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан шаҳарга нисбатан ҳавосининг тозалиги ва кенг турдаги истеъмол маҳсулотларининг мавжудлиги. Ушбу ҳолат ҳалқаро экотуристларни ҳақиқий қишлоқ ҳаётидан баҳраман бўлиш имкониятини оширади;

- қишлоқ жойларида миллий ва маданий мероснинг сақланиб қолинганлиги. Жумладан, махаллий урф-одатлар, миллий хунармандчилик, учтачилик билан туристларнинг яқиндан танишиш ва ушбу жараёнларни кузатиш билан биргалиқда унда иштирок этиш имкониятини мавжудлиги.

Ўзбекистонда экотуризм салоҳиятидан фойдаланишнинг «SWOT» таҳлили

<ul style="list-style-type: none"> - Осиё минтақасининг марказида жойлашганлиги, жумладан, Хиндистон, Хитой ва Россия каби мамлакатларга яқинлиги; - мамлакат ҳудудида экотуристик ресурсларнинг кўплиги; - жамият аъзоларининг меҳмондўстлиги ва сиёсий жиҳатдар барқарорлиги; - қишлоқ ва шаҳар жойларининг ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқнинг катталиги экотуристларга ҳақиқий табиий турмуш кечиришда табиат билан алоқдорликни бевосита хис қилиш имкониятини кенгайтириши; - қишлоқ жойларида истеъмол нархларининг шаҳар жойларга нисбатан арzonлиги 	<ul style="list-style-type: none"> - истеъмол бозорида товарлар, жумладан, туристлар учун мўлжалланган сувенирлар сифатининг пастлиги ва етишмаслиги; - замонавий АКТ технологияларидан туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида фойдаланиш ва рақамлаштириш даражасининг пастлиги; - экологик технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги; - экотуристик хизматлар бозори ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги; - экотуристик хизмат кўрсатиш обьектлари сонининг камлиги; - экотуристик хизматлар кўрсатиш бўйича аҳолининг тегишли билим, кўнкима ва малакаларининг етишмаслиги; - инфратузилма ривожланиш кўрсаткичларининг етарли даражада эмаслиги
↑ Кучли тарафлар - Strengths ↑	↑ Заиф томонилар - Weaknesses ↑
↓ Имкониятлар - Opportunities ↓	↓ Хавф-хатарлар - Threats ↓
<ul style="list-style-type: none"> - экотуристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; - Марказий Осиё, МДҲ ва «Буюк Ипак йўли» да жойлашган мамлакатлар билан экотуризмни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш; - экотуристик хизматлар бозорига хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилиш; - миллий туризм индустрияси, жумладан экотуризм соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш; - янги турдаги экотуристик хизматларни ташкил этиш имкониятининг юқорилиги ва халқаро туристик хизматлар бозоридаги иштирокини кенгайтириш; - маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлигининг туристларга мамнун келиши ва ҳ.к. 	<ul style="list-style-type: none"> - мамлакатда табиий-экологик муаммоларнинг авж олиши; - валюта курсларини ўрнатиш, уларни айирбошлаш, жумладан, хорижий валютада савдо қилиш бўйича асоссиз чекловларнинг кўплиги ва тушунарсизлиги; - маҳаллий аҳоли ва туристларда экологик маданият, таълим ва тарбиянинг етишмаслиги оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши; - қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятларнинг ўзгариши; - мамлакат ички истеъмол бозорининг тўйинмаганлиги сабабли истеъмол маҳсулотлари нархларининг кескин ошиб кетиш хавфининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Шунингдек, мамлакатимиз экотуризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қўйидаги муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди:

- республика бўйича инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- экотуристик хизматлар бозорида ишчи кучининг етарли даражадаги экологик маданияти шаклланмаганлиги, жумладан, кадрларнинг касбий билим, кўнкима ва малакаларининг пастлиги;
- мамлакатнинг экотуристик обьектлари бўйлаб экотуристик маршрутларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;
- маҳаллий аҳолини, жумладан, хусусий сектор вакилларини экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигининг пастлиги;
- экологик муаммоларнинг авж олиши билан биргаликда атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашиб бўйича ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, кейинги йилларда юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш билан биргаликда, мамлакатнинг экотуризмни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қўйидагиларга устуворлик қаратиш лозим:

- миллий экотуризм индустриясини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларни ишлаб чиқиш, жумладан, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган «Экотуризмни ривожлантириш концепцияси»ни амалиётга жорий этиш;
- олий таълим муассасаларида экотуризм бўйича таълим бериш жараёнларини мамлакатдаги экотуристик хизматлар кўрсатиш амалиёти билан боғлиқлигини кучайтириш;
- экотуристик хизматлар кўрсатиш бўйича халқаро талабларга мос келувчи «Миллий экотуризм стандартлари»ни ишлаб чиқиш;
- экотуризм соҳаси бўйича ахборотлар базасини шакллантириш, жумладан, миллий экотуризм соҳасининг ривожланишининг ста-

тистик кўрсаткичлари бўйича маълумотларни бериб бориш;

- экотуристик ресурслар ва объектлар ўртасида экотуристик маршрутларни ишлаб чиқиш;

- миллий экотуризм соҳасини ривожлантиришда экологик технологиялардан фойдаланиш амалиётини давлат томонидан қўллаб-куватлаш;

- худудларни экотуристик хизматлар кўрсатиш ихтисослашуви бўйича гурухлаш ва улар ўртасидаги интеграцион муносабатларни кучайтириш;

- атроф мұхитни ҳимоялаш, экологик барқарорликни сақлаш ва «яшил зона»ларни кенгайтиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

- миллий экотуризм соҳасининг ривожлантиришни мониторинг қилиш тизимини шакллантириш ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда экотуризм соҳасини ривожлантириш орқали қўйидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришилади:

- нафақат экотуристик хизматлар соҳаси балки унга бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқларида янги иш ўринлари яратилади;

- қишлоқ жойларда аҳоли даромадлари ортиб, турмуш фаровонлиги яхшиланади;

- ижтимоий инфратузилманинг ривожланниш кўрсаткичлари яхшиланади;

- мамлакат иқтисодиётининг, жумладан, экотуризм соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ортади;

- экологик ресурслардан фойдаланишнинг интенсивлиги ортиб, атроф-муҳит хавфсизлиги ва экологик барқарорлик таъминланади;

- мамлакатнинг халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик алоқалари ривожланади;

- халқаро туристик хизматлар бозорида миллий экотуризм индустрясининг мавқеи ортиб, янги бозорларни эгаллашга эришилади;

- нафақат хорижий туристлар, балки маҳаллий аҳолининг етарли даражада мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятлари ортади.

Фикримизча, мамлакатимизнинг экотуризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлари ушбу соҳани мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг драйверига айлантириши мумкинлигидан далолат беради. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, миллий экотуризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни кечиктирмаслик лозим, деган хulosага келиш мумкин бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабёйтлар рўйхати:

1. Allcock A., Jones B., Lane S., Grant J. National ecotourism strategy. Commonwealth of Australia, 1994. P. 196.
2. Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издания 9-е переработанное и дополненное – Спб.: «Издательский дом Герда», 2007. С. 576

3. Дроздов А.В. Основы экологического туризма. – М.; Гардарики, 2005. С 271.

4. Сергеева Т.С. Экологический туризм. Москва, Финансы статистика, 2004. С. 360.

5. Hayitboyev R., Matyaqibov U. Ekologik turizm. Uslubiy qo'llanma. – Samarqand, 2010. 60-b.

6. Туристический терминологический словарь. -М., 1999, 664 бет.

7. Hamidov O.H., Norchacov A.N. Ekoturizm. - Darslik. - T.: TOIU, 2011. - 138 b.

8. R.Xaitboyev.Ekologik turizm.O'quv qo'llanma. – Toshkent: 2018. — 248 b.

9. Шамуратова Н., Азимова Д., Закирлаева Л. Тошкент вилоятининг экотуристик имкониятлари. 29.04.2020 й.

URL: <https://hidoyat.uz/37509>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантиришини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сон қарори, 07.02.2018 й. <https://lex.uz/docs/3551112>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантиришини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сон қарорига 2-илова. 07.02.2018 й. URL: <https://lex.uz/docs/3551112> маълумотлари асосида тузилган.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси – stat.uz



ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛANIШИНИ БОШҚАРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИGINING РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Мамаюсупова Диловархон Бегматовна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси, и.ф.ф.д.

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a56

Аннотация. Ушбу илмий мақолада туризм фаолияти ривожланишини бошқаришда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)нинг роли очиб берилган бўлиб, ушбу механизмининг аҳамияти корреляцион-регрессион таҳлил қилинган ҳолда баҳоланган.

Калим сўзлар: давлат-хусусий шериклиги, глобаллашув, туристларни жалб қилиш географияси, корреляцион-регрессион таҳлил, туризм инфратузилмаси.